



CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH

Open Access, Peer Reviewed Journal Scientific Journal

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДАГИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Пармонов Жамол Хайдарович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси,

Электрон почта манзили: azimjonlider7@gmail.com

Телефон рақам: +99894,283-00-80

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18387595>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-yanvar 2026 yil

Ma'qullandi: 24-yanvar 2026 yil

Nashr qilindi: 27-yanvar 2026 yil

KEYWORDS

йўл ҳаракати, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳаси, "E-ma'muriy ish", "E-patrul", махсус дастурий таъминот, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ички ишлар органларида йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда юзага келаётган муаммолар баён қилинган. Муаллиф томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликларни бартараф этиш орқали маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни соддалаштириш лозимлиги асослантирилган

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислоҳотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ҳамда босқичма-босқич имплементация қилинмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган 80 дан ортиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар нормалари миллий қонунчиликда ўз аксини топмоқда.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсонлар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмоқда. Жамиятда "Янги Ўзбекистонни биргаликда

барпо этамиз” деган улуғвор мақсад шаклланди ва “Жамият - ислоҳотлар ташаббускори” деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга фаол кириб бормоқда¹.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ўзига хос мураккаб механизмларга эга ҳисобланади. Бу борада қатор муаллифлар ушбу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш бошқа турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан мураккаб эканлиги тўғрисида фикр юритишадилар².

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг ижтимоий-ҳуқуқий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳар йили йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида юз берган инсон талафотлари ва иқтисодий йўқотишлар мамлакат учун жиддий муаммо сифатида намоён бўлмоқда. Шу сабабли, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатларини аниқлаш, улар юзасидан маъмурий ишларни юритиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш ички ишлар органлари фаолиятининг муҳим йўналиши сифатида намоён бўлади. Шу боис, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 2-моддасида таъкидланганидек, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ушбу Кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди³.

Бугунги кунда мамлакатимизда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш асослари ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/acts/4872355>

² Акулкина О.А. Административно-правовая природа ответственности за правонарушения в области дорожного движения: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2008. — 29 с., Бахаев А.А. Административно-правовое регулирование дорожного движения: вопросы безопасности и ответственности: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2009. — 23 с., Божко И.В. Нарушение правил дорожного движения и эксплуатации транспортных средств: уголовно-правовое регулирование и предупреждение: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Ростов-на-Дону, 2011. — 28 с., Булгаков А.Н. Административное расследование правонарушений в области обеспечения безопасности дорожного движения: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Краснодар., 2007. — 24 с., Быков А.И. Проблемы применения органами внутренних дел административных наказаний в области безопасности дорожного движения: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2011. — 24 с. // URL: <https://www.dissercat.com/content/administrativno-pravovaya-priroda-otvetstvennosti-za-pravonarusheniya-v-oblasti-dorozhnogo-d>

³ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/97664?ONDATE=12.11.2025>

тартибини тубдан жиддий ислоҳ қилиш лозим. Айниқса, янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига нисбатан янгича ёндашувларнинг жорий этилганлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ишларни юритиш жараёнидаги юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишни талаб қилмоқда.

Миллий қонунчилигимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ишларни юритишда белгиланган айрим нормаларни қўллашда турли талқин ва ноаниқликларни кузатиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 7-бандида “*Механик транспорт воситаси ҳайдовчисининг ёнида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ёхуд консуллик муассасалари томонидан берилган биометрик паспорти ёки идентификатсияловчи ID-картаси мавжуд бўлган тақдирда, унинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжати, транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги, шунингдек транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (юридик шахс томонидан берилган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома ёки йўл варақаси, ташилайётган юкнинг ҳужжатлар бундан мустасно), транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси ҳайдовчидан талаб этилмайди*”⁴, деб белгиланган. Яъни, мазкур норма талқинига кўра ҳайдовчининг ёнида лоақал шахсини тасдиқловчи ҳужжати ҳам мавжуд бўлмаганда, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 135-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома махсус дастурий таъминот ўрнатилган мобиль курилма (планшет) ёрдамида “E-ma'muriy ish” тизими орқали расмийлаштирилиб, транспорт воситаси ушлаб туриш жойига (жарима майдончасига) жойлаштириш ваколатига эга бўлади. Шу ўринда савол туғилади. Ҳайдовчи ўз шахсини бир қанча усуллар (масалан, ҳужжатнинг электрон ёки қоғоз нусхасини кўрсатиши, Mu.gov.uz платформаси орқали ва ш.к.) орқали тасдиқлаган тақдирда ҳам юқоридаги норма талаби бўйича ҳайдовчига нисбатан ҳуқуқни қўлловчини маъмурий баённома расмийлаштириш ва транспорт воситасини ушлаб туриш жойига жойлаштириш мажбуриятини бажаришдан озод этмайди. Ушбу муаммони ҳал қилишда Асосий қонунимизнинг 20-моддасида “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади”, деб белгиланган конституциявий принципга амал қилиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, мазкур масала Ички ишлар органлари патруль-пост соҳавий хизматида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги Ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида”ги қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларни

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 12-апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли Қарори // УПЛ: <https://lex.uz/uz/docs/5953883?ONDATE=15.04.2025>

электрон идентификатсия қилиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 5-бандида “«E-ratgul» тизими орқали фуқаронинг шахсга доир маълумотлари (фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, туғилган санаси) ҳамда ҳуқуқбузарлик ёки бошқа (судланганлиги, қидирувдалиги ёки профилактик, пробация ёхуд маъмурий назорат ҳисобида туриши ва бошқалар) маълумотлари жойида текширилиб, тезкорлик таъминланади ва ортиқча оворагарчиликка йўл қўйилмайди. Бунда фуқароларнинг шахсини бармоқ излари ёки юз тузилиши орқали идентификация қилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг сервер қурилмаларидан фойдаланилади”⁵, деб нормаланган. Шунга мувофиқ ушбу ҳуқуқни қўллаш амалиётини йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 7-бандини қуйидаги янги бешинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинади:

“Механик транспорт воситаси ҳайдовчисининг ёнида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ёхуд консуллик муассасалари томонидан берилган биометрик паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси мавжуд бўлмаган тақдирда, махсус дастурий таъминот ўрнатилган мобил қурилма (планшет) ёрдамида бармоқ излари ёки юз тузилиши орқали идентификация қилиниб фуқаронинг шахсга доир маълумотлари (фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, туғилган санаси) жойида текширилиб, тезкорлик таъминланади ва ортиқча оворагарчиликка йўл қўйилмайди.”

Хулоса қилиб, шуни айтишимиз мумкинки, “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонунчиликка мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир”⁶

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 1 декабрдаги “Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги Ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида”ги 754-сон қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларни электрон идентификатсия қилиш тартиби тўғрисида”ги низом // URL: <https://www.lex.uz/docs/7872510>

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/97664?ONDATE=12.11.2025>